O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**Da'vat**

Ёшлик ўтиб бораётганини ҳеч ким сезмайди, аммо унинг ўтиб кетганини ҳамма ҳис қилади.

СЕНЕКА

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 15 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 22 (7217)

**Ibrat**

Бухоро вилояти ҳокими вилоятда "Йилнинг энг яхши мактаби" совринини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур танлов шартларини тўлиқ адо этган ўқув даргоҳига вилоят ҳокимининг махсус совриниси – замонавий компьютер туҳфа этилади. Иккинчи ўринни эгаллаган мактабга 300 минг сўмлик китоблар, учинчи ўринга 150 минг сўм пул мукофоти берилади.

## JUMLADA JAHON

• Деҳли шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳинд тилида чоп этилган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

• Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилишида вазирлик ва идораларнинг умумий дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш, қарздорликлар муддати ўтиб кетишига йўл қўймаслик борасида жорий йилнинг дастлабки ойларида олиб борилган ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

• Непал ҳукумати Ҳиндистоннинг Катманду халқаро аэропортига ўз хавфсизлик кучлари гуруҳини жойлаштириш ҳақидаги таклифини рад этди.

• Украина мудофаа вазирлиги матбуот хизматининг маълумотига кўра, жорий йилда америкалик ҳамкорлар билан 120 дан зиёд турли ҳарбий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

• Европа Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди, энди Ҳиндистон иттифоқ мамлакатларига экспорт қилаётган товарлари ҳажмини кенгайтириши мумкин.

• Франция полициячилари томонидан 700 килограмм "қора дори" олиб кетаётган Франция, Марокаш ва Югославия фуқоролари бўлган тўрт нафар жиноятчи катта йўллардан бирида ҳайдовчилар дам оладиган жойда қўлга олинди.



## ХОТИРА — АЗИЗ, ХОТИРА — МУҚАДДАС

Юнусободнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилаётган улкан зиёратгоҳга яқинлашаётганимда, хаёлимга Президентимиз Ислом Каримовнинг бундан 2 йил олдин "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" деб номланган асаридаги ушбу сўзлари келди: "Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак".

Хотира — ўзликни англашга, ўтмишни доимо ёдда тутишга бот-бот даъват этиб турадиган муқаддас туйғу. Унда инсон ўзининг ким эканлигини билади. Билувсиз ва англовсиз кишининг, яъни хотирасиз кишининг белгиси шундаки, у ҳар қандай сўзга ва одамга ишонади, эргашади. Ва энг ачинарлиси, ўз ҳаётини ҳам ўзгаларга топшириб қўяди.

Биз Миллат, Ватан, Истиқлол каби бир неча сўзларни ҳурмат билан тилга оламиз, муқаддас санаймиз. Ана шу тушунчалар ҳақида сўз юритганда гапнинг бир учи хотирага келиб тақалади. Муқаддас саналган тушунчаларнинг ҳаммаси хотира билан тирик.

Ҳозир мана шу соҳилда барпо этилаётган улкан зиёратгоҳ — "Шаҳидлар хотираси" мажмуасининг очилиши 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига мўлжалланмоқда.

Қатағон йиллари даврида бу ер шўро тузумининг пинҳона қатл этиш жойи бўлган. Алвасти кўприк деб аталган. XX аср бошларида миллий уйғониш вакиллари юрт озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиб чиқдилар. Маърифатни тарғиб этдилар. Аммо мустабид тузум уларни қийноққа солди, қамади, сургун қилди, охири... қатл этди. Мана шу Алвасти кўприкдан узоқ бўлмаган уйларда яшовчилар ўқ овозларини эшитиб, қўрқувга тушишарди. Гарчи бу ер қатлхона эканлигини билишмаса-да, ўқ овози кимнингдир тақдирига нуқта қўйганлигига гумон қилишмасди. Эндиликда бу ер ҳаммага маълум. Яқин-яқингача Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек каби миллат зиёлиларининг қатл этилган жойи ва қабрлари ҳақида билмас эдик. Энди эса, ҳаммаси аён бўла бошлади.

"Шаҳидлар хотираси" мажмуи Бўзсув соҳили бўйида қурилаяпти. Ҳозир меъморий обидаларни бунёд этиш, кўкаламзорлаштириш ва зарур биноларни қуриш ишлари давом этаяпти. Хиёбон йўлаклари, соҳил устига қурилган янги кўприк, улкан ёдгорлик мажмуи кишига хиёбон ҳақида аниқ тасаввурларни беради. Жами 10 гектар майдонни эгаллаган мажмуага 1200 туп ҳар хил дарахтлар, 78000 дона гул кўчатлари ўтқазилади. Зиёратчилар учун зарур шароитлар, хизмат кўрсатувчи объектлар ташкил этилади. Темир йўл узра яна бир кўприк қурилади. Бу зиёрат масканига келувчилар учун қулайлик туғдиради.

Истиқлол боис юрт озодлиги учун курашган, шаҳид кетган ота-боболар руҳи шод этиладиган, хотирланадиган маскан, пойига гул қўйиладиган ёдгорлик барпо этилаяпти. "Шаҳидлар хотираси" мажмуини зиёрат қилган ҳар бир ёш авлод онгида юрт мустақиллиги учун курашган боболаримизга нисбатан эҳтиром ва эъзоз ҳисси уйғонади. Шундай ватанпарвар, эркпарвар оталаримиз бўлганлигидан фахрланади. Ва улар хотираси боис, ўзининг кимлигини англайди.

**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,**
**"Маърифат" мухбири**

**Суратларда: "Шаҳидлар хотираси" мажмуи қурилишидан лавҳалар.**

**Б. РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ҲАЙВОНЛАР УЙҚУСИ

Олимларнинг аниқлашича, оҳу бир кеча-кундузда ҳатто икки соат уйқу билан чекланиши мумкин. Кўршапалаклар эса 20 соатгача ухлайди. Умуртқасизлар билан балиқларнинг қандай ухлаши шу вақтгача номаълум бўлса, бақаларнинг австриялик йирик тури — ҳўкиз бақа мутлақо ухламаслиги фанга маълумдир.

### ҲАР ОЛТИНЧИ ОДАМ...

Вашингтондаги "Уорлдуотч" институти томонидан эълон қилинган ҳисоботда қайд этилишича, 6 миллиардлик инсониятнинг 1,1 миллиардини керагидан ортиқча вазнга эга бўлган кишилар ташкил этади. Бошқача айтганда, дунёдаги ҳар олтинчи одам семиз ҳисобланади.

### ЯХШИ АНЪАНА

Италияликлар учун дам олиш кунларини автомобилсиз, пиёда юриб ўтказиш анъана тусига кирмоқда. Маълумотларда айтилишича, бир дам олиш кунида мамлакатнинг 145 шаҳрида аксарият аҳоли ўз машиналаридан фойдаланмаган.

### ЮЛДУЗДАГИ ЖОНЛАНИШ

Дунё фазошунос олимлари Ердан 4700 ёруғлик йили масофасида жойлашган Кил туркумидаги Эта юлдузида жонланиш содир бўлганлигини кузатишди. Анча суст ҳисобланган мазкур юлдуз айни пайтда Қуёшдан тўрт минг баробар кучли нур таратмоқда.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари тўғрисида Низом
2,3-бетлар

Навоий ҳайратларига чулғаниб
3-бет

Олимпиадачи-ўқувчилар мадҳияси
3-бет

Йўлларинг нурафшон бўлсин, болакай!
4-бет

## ЗУЛФИЯНИНГ ҚИЗЛАРИ

***Шоира номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг аксарияти ўқитувчи ва ўқувчилардир***

**G'urur**

Бизда мукофотлар кўп. Негаки, шундай эътиборга лойиқ одамлар кўп. Зукко, истеъдодли хотин-қизлар учун ҳам янги мукофотнинг таъсис этилиши ва мукофотнинг Зулфия номида эканлиги бежиз эмас.

Зулфия — ҳақли равишда ўзбек аёлининг рамзига айланган ижодкор. Унинг пурҳикмат ижоди, нурга йўғрилган фаолияти, кенг қалби ҳақида кўп айтилган, айтилаётир. Бугун юртимиздаги таълим, фан, маданият, адабиёт, санъат йўлида фаолият юритаётган, муваффақиятларга эришиб, юрт равнақига ҳисса қўшаётган аёлларнинг аксарияти ўзини Зулфиянинг шогирдлари, қизлари деб билади.

Юртимизда таълим соҳасига эътиборнинг нақадар эканлиги барчага маълум. Буни биргина мисол, яқинда берилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари кимлар эканлигидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Аъло хулқи, зukколиги, донолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган мукофот соҳибалари — Зулфия қизларининг аксарияти ўқитувчи ёки ўқувчилардир. Зеро, маърифат бу — кўзларни очувчи, йўлларни ёритувчи, келажакни ёрқин этувчи зиё. Унга интилганлар ўзларини-да, бошқаларни-да шу зиё билан чулғашни истаётган эзгу қалб соҳибаларидир.

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари "Ичингдаги ичингдадир" — асарида келтиришича, яратилган махлуқот уч турлидир: биринчиси – малаклар. Улар фақат ақлдан иборат бўлиб, нафсдан холи. Яратилишидан пок яратилган бўлиб, бутун борлиғи, мавжудлиги ибодатдан иборат.

Иккинчиси — ҳайвонлар. Уларга фақатгина нафс берилган. Нафсига қул ҳайвонлар фақатгина ейиш-ичиш, кўпайишнигина биладилар, холос.

Энди бу икки тоифа ўртасида учинчи бир тоифа борки, бу биз – одамлар. Одамга ҳам ақл, ҳам нафс берилган. Берилган имконият, ноёб гавҳар – ақлни ишлатиб, унинг ёрдамида ўзини, дунёю борлиқ сирини ўқиб-ўрганган, маърифатга ошно тутинган илмга интилганлар тамом малаклашиб, ҳатто улардан ҳам юқори бир мақомга эришади, берилган имкониятлардан фойдаланмаганлар, нафси измидагина яшаганлар эса тубанлашиб, ҳайвонлардан ҳам паст бир даражада қолади, дейди.

Зулфия қизлари — Ватан қизлари. Улар бугунини кеча ва эрта билан боғлай олган, илмга интилиб, малакларга тенглашишга уринаётган қизлар. Муқаддас аёл номини юксак тутишга чоғланаётган, ўз бахтини эл равнақида деб билувчи қизлар. Уларнинг Ватани шундай, муқаддас Ватан, халқи шундай бағри кенг халқ. Шундай ватанга муносиб фарзанд бўлиш ҳар бир қизимизга насиб этсин.

**Ҳусан НИШОНОВ**

***Бу юксак мукофот соҳиблари билан муштарийларни газетамизнинг кейинги сонларида кенгроқ таништириш ниятимиз бор.***

## ДАН ХОДИМЛАРИ БИЛИМ ЮРТИДА

**Harakat xavfsizligi oyligi**

Айни кунларда Республикамизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги эълон қилинган. Бу ойликка ким қандай ҳисса қўшмоқда? Бу саволга жавоб тарзида Самарқанд шаҳар 1-педагогика билим юрти жамоаси аҳлининг қилаётган ишларини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Аввало билим юрти ўқитувчилари ДАН ходимларини йўналтирилган маърузалар ўқиш учун талабалар ҳузурига таклиф қилишган. Йўл қоидалари борасида берилаётган махсус маълумотлар асосида билим юрти директори Д. Носирова ва ўқув ишлари бўйича директор муовини С. Қодировалар бошчилигида гуруҳнинг ҳар бир талабасига "йўл ҳаракати қоидалари" бир соатлик дарс мавзусининг таркибий режалари белгилаб берилмоқда. Ўзларига бириктирилган мактабларда амалиётчи қизлар очиқ дарс шаклида кўргазмали — саҳналаштирилган машғулотлар ўтказиб беришмоқда. Йўл ҳаракати қоидалари ҳақида олган билимларини амалга тадбиқ этаётган бу бўлажак ўқитувчиларга мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари ҳам хайрихоҳлик билдириб, ўз ёрдамларини аяшмаяпти. Табиийки, билим юртининг ўзига хос ташаббуси билан ташкил этилган бундай дарслар мактаб жамоаси ҳамда жажжи болажонларни хурсанд қилмоқда.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

## СУМАЛАК УЧУН БУҒДОЙ КЎКАРАЯПТИ

**Taraddud**

Наврўз халқимизнинг энг қадимги, энг миллий, энг севимли байрамидир. Наврўз ташрифига ҳам саноқли кунлар қолди.

Баҳор байрамини кутиб юраклар орзиқмоқда. Тошкент Давлат авиация институтининг ўқитувчи ва талабалари Наврўзни хуш кайфиятда нишонлашга қизғин тайёргарлик кўришяпти.

Ўша куни, албатта, дастурхонга сумалак тортилади. Ўйин-кулгу, томоша, ҳазил-мутойиба авжига чиқади.

Институт жамоаси сумалак учун буғдой кўкартиряпти. Бу хуштаъм тансиқ таом билан кекса мураббийлар, онахонлар, талаба ва профессор-ўқитувчилар сийланади. Бундан ташқари миллий таом ош тарқатилади.

Институтда учта факультет бўлиб, бугунги кунда 870 нафар талаба таълим олмоқда.

Институт талабалари онгига Наврўз байрами, тайёргарлик ишларини амалга ошириш орқали сингдирилмоқда. Талабалар дарслардан бўш пайтларда, тозалик ва озодалик ишларига жалб қилинган.

Хуллас, Наврўз олди тайёргарлигига институт жамоасида ҳамма масъул. Дарвоқе, Наврўз арафасида институтнинг "Само" деб номланган Янги нашри пайдо бўлади.

Газетанинг илк сонидан бош мақола, институт билан ҳамкорлик ўрнатган ташкилотлар, талабалар ҳаёти тўғрисидаги лавҳалар ўрин олади. "Само"ни 500 нусхада чоп этиш режалаштирилган.

**Насриддин БОТИР**

## СИРЛИ ҚУТИДАН СОВҒА

**Yangicha ish usuli**

Пойтахтимиздаги 122-ўрта мактабда ҳар бир ойда маълум фан ойлигини ўтказиб бориш анъанага айланиб қолган. Шунинг учун ҳам февраль ва март ойлари мактаб маъмурияти томонидан математика, информатика ҳамда физика ойлиги деб, эълон қилинган.

Мактаб ҳаёти билан қизиқсангиз, ҳар ҳафтада ушбу фанларга бағишланган деворий газеталар чиқарилиб, турли беллашувлар, ўқув машғулотлари ўтказилиб бораётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Куни кеча мактабда информатика фани бўйича 8-синфлар ўртасида ""Компьютер билан XXI аср сари" мавзусида қувноқ беллашув ўтказилди.

Информатиканинг асосий уч бўлими — "Ахборот", "Алгоритм", "ЭҲМ" номлари билан аталган гуруҳлар ўзаро савол-жавоб, кроссворд, информатикага оид билимлар, мақоллар, сардорлар беллашуви шартлари бўйича маҳоратларини намойиш этди.

Ҳар бир шарт оралиғида ўқувчилар томонидан тайёрланган клиплар, рақслар намойиш этилиши кечанинг янада жонли ўтишига сабаб бўлди.

Беллашувнинг яна бир қизиқарли томони, мухлислар учун ҳавола этилган "Сирли қути" ўйини бўлди. Ўйинда ғолиб чиққан мухлислар учун совринлар берилди. Хуллас, қизиқарли тортишув, баҳслардан иборат беллашувда 1-ўринга "Алгоритм" номли 8-"Б" синф лойиқ деб топилди.

Беллашув иштирокчи-ю, мухлисларда катта таассурот қолдирди.

**Гулнора ЖЎРАБОЕВА**

## МАСЪУЛИЯТ — ИСЛОҲОТНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

**Tahlil**

Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирларда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш, кадрлар тайёрлашнинг малака талабларини аниқлаш ҳамда сифатини баҳолаш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича таълим тизими бошқарувига боғлиқ бўлмаган ягона давлат хизматини ташкил этиш белгиланган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартдаги 109-рақамли қарори билан Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ташкил этилган эди. Ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида бошқарманинг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари аттестацияси бўлими ходимлари томонидан Тошкент шаҳрида 41 та, Сирдарё вилоятида 11 та, Тошкент вилоятида 24 та, Самарқанд вилоятида 21 та ва Андижон вилоятида 22 та фаолият кўрсатаётган жами 119 та ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда вилоятлардаги 4 та (Тошкент, Сирдарё, Самарқанд ва Андижон) ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш билим юртининг, шу билан бирга янги ташкил этилган 15 та академик лицей ва 43 та касб-ҳунар коллежининг таълим фаолияти ҳам тасдиқланган махсус дастур асосида ўрганилди.

Ушбу таълим муассасалари фаолиятини ўрганишдан кўзда тутилган асосий мақсад ўрта махсус ўқув юртларида тайёрланаётган кадрлар сифатини холисона баҳолаш, мазкур кўрсаткичга таъсир этувчи (ўқув жараёнининг ташкил этилганлиги, педагог-кадрлар ва моддий-техника базаси салоҳияти каби) омилларни ўрганиш, ўрта махсус ўқув юртларининг белгиланган йўналишларда янги турдаги таълим муассасаларига ўтишларига тайёргарлик жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаш ва ўрта махсус ўқув юртларининг рейтингини аниқлаш, шунингдек, янги ташкил этилган таълим муассасаларининг фаолиятини ўрганишдан мақсад эса, уларга таълим жараёни билан шуғулланишлари учун "Рухсатнома"ни расмийлаштиришни (Вазирлар Маҳкамасининг 109-рақамли қарори, 2-қисм 5-хат бошида белгиланган) асослаш эди.

(Давоми 2-бетда)

*Касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга бўлган ҳудудий ва минтақавий эҳтиёжлар тўлиқ ўрганилмаган.*

*Низом лойиҳаси муҳокамасида фаол бўлинг! У сизнинг фаолиятингизни белгиловчи муҳим ҳужжатдир.*



Tahlil

# МАСЪУЛИЯТ — ИСЛОҲОТНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

**(Боши 1-бетда)**

Давлат тест марказида чоп этилган бошқарманинг 2-сон бюллетени айнан шу фаолияти ўрганилган 119 та ўрта махсус ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш сифати таҳлилига бағишланди.

Ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятини ўрганиш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда республика ўрта махсус таълими тизимида янги долзарб мутахассисликлар ("Фермер хўжаликларини ташкил қилиш", "Солиқ ва солиққа тортиш", "Биржа фаолияти", "Аудит" ва бошқалар) киритилган, таълим жараёнига такомиллашган янги технология ва ҳисоблаш техникалари жорий этилмоқда. Аммо бу жараён ҳамма ўрта махсус ўқув юртларида ҳам тўлақонли амалга оширилган деб бўлмайди. Таълим муассасалари йўналишига мувофиқ келмайдиган янги мутахассислар сонини асоссиз кўпайтириш бир қатор ўқув юртларида сифатсиз кадрлар тайёрланишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур бюллетенда фаолияти ўрганилган ўрта махсус таълим муассаларининг умумий рейтинг жадвалидаги ўринлари ўқув юртлари тўплаши мумкин бўлган максимал 200 баллга нисбатан белгиланди. Ўқув юртларининг рейтинг жадвалидаги ўринлари 4 та: "аъло", "яхши", "қониқарли" ва "қониқарсиз" сифат майдонларига ажратиб таҳлил қилинди. Максимал балл (200)нинг 86-100 фоизини тўплаган ва "аъло" сифат майдонидан ўрин олган бironта ҳам ўрта-махсус ўқув юрти бўлмади. Максимал баллнинг 70-85 фоизини тўплаган 21 ўқув юрти "яхши", 55-71 балл олган 67 ўқув юрти "қониқарли" ва 55 фоиздан кам балл тўплаган 31 та ўрта махсус ўқув юрти "қониқарсиз" сифат майдонидан жой олди.

Ўрта-махсус ўқув юртлари фаолиятини ўрганиш натижалари асосида тузилган рейтинг жадвал (диаграмма, гистограмма)ларининг таҳлили кўрсатдики, энг юқори рейтинг Тошкент шаҳри (ўртача 129,3 балл) ва энг паст рейтинг Сирдарё вилояти (ўртача 99,7 балл) ўрта-махсус ўқув юртларида кузатилган бўлсада, аммо вилоятлардаги фаолияти ўрганилган ўрта-махсус ўқув юртларида ҳам зудлик билан бартараф этилиши зарур бўлган жиддий муаммолар мавжуд.

Муаммоларнинг бош сабаби, ўрта-махсус ўқув юртлари фаолияти йиллар мобайнида назардан четда қолиб келинганлигидир. Бугунги кунга қадар ўрта-махсус ўқув юртларида таълимнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилмаган ва жорий этилмаган. Ўрта-махсус таълим муассасалари республикамиз мустақилликка эришгандан буён, маҳаллий шароитларни, ўқув юртининг йўналиши ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, улар фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланмаган. Тайёрланадиган мутахассисларга бўлган ҳудудий ва минтақавий эҳтиёжлар тўлиқ ўрганилмаган.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, таълим жараёнининг мазмун ва миқдорини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар (мутахассислик ўқув режаси, касб тавсифномаси, фан дастурлари ва бошқалар) талаб даражасида қўлланилмаяпти. Айниқса, Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг барча Олимпия резервлари билим юртларида, Маданият ишлари вазирлигининг Андижон, Самарқанд ва Гулистон давлат санъат билим юртлари ҳамда Тошкент вилояти мусиқа билим юртида, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг Андижон электромеханика, Тошкент кечки машинасозлик, Оҳангарон қурилиш саноат моллари, Гулистон қурилиш техникумлари, Шаҳрихон сервис техникаси ва технологик тадбиркорлик коллежи, Чирчиқ ва Ангрен техника коллежлари фаолиятида шу ҳолат аниқланди.

Сўнгги йилларда ўрта-махсус таълим муассаларида янги мутахассисликлар очилишида ўқув юртининг таълим йўналиши, моддий-техника базаси, ўқитувчилар таркибининг мувофиқлаштирилмаганлиги ва кадрларга бўлган талаб атрофлича ўрганилмасдан ташкил этилганлиги, таълим муассасаларида сифатсиз кадрлар тайёрланишига сабаб бўлган. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент меҳмонхона хўжалиги техникумида, Тошкент хотин-қизлар коллежида, Янгийўл технология коллежларида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Тошкент молия ва иқтисодиёт, Тошкент агробизнес коллежларида ва «Ўзбекбирлашув»нинг қатор ўрта-махсус ўқув юртларида "Ҳуқуқшунослик-0201" мутахассислигини мазкур таълим муассасаларида очишга рухсат беришда юқоридаги талаблар эътиборга олинмаган.

Ўқувчилар билим сифатининг пастлиги, айниқса Сирдарё ва Тошкент вилояти ўрта-махсус ўқув юртларида қайд этилди. Ушбу вилоятларнинг ўқув юртларида таҳсил олувчиларнинг билим сифати ўртача мос равишда 35 ва 46 фоизни ташкил этиб, айрим ўқув юртларида бундан ҳам паст кўрсаткичлар қайд этилди. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гулистон тиббиёт билим юртида ўтказилган назорат ишлари натижаларига кўра "Доячилик-0402" мутахассислигида 13 фоиз, "Ҳамширалик иши-0408" мутахассислигида 15 фоизни ташкил этди. Энг кўп "қониқарсиз" баҳога ўқиганлар, асосан, Ангрен техник коллежининг "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва товаршунослик-3212" мутахассислигида 25, Олмалиқ давлат техника коллежининг "Ноорганик моддалар химиявий технологияси-2502" мутахассислигида 41, Оҳангарон қурилиш саноати моллари техникумининг "Бухгалтерия ҳисоби-0102" мутахассислигида 23, Тошкент тадбиркорлик коллежининг "Зооветеринария-3119" мутахассислигида 22, Тошкент агро-бизнес коллежининг "Ҳуқуқшунослик-0201" мутахассислигида 77 фоизни ташкил этди.

Булардан ташқари ўтказилган назорат ишлари ва ўқувчиларнинг ўқув юртларида олинган билимларининг таҳлилига кўра, энг кўп "қониқарсиз" баҳолар Тошкент хотин-қизлар коллежининг "Ҳуқуқшунослик-0201" мутахассислигида 32, Самарқанд агро-тадбиркорлик ва Самарқанд агробизнес коллежларининг барча мутахассисликларида ўртача 28, Самарқанд молия коллежининг "Банк иши-0109" мутахассислигида 22, 1-сон Самарқанд педагогика билим юртининг "Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш-0306" мутахассислигида 14, Самарқанд гидромелиоратив техникумининг "Автомобиль ва двигателларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш-1504" мутахассислигида 13, Асака техника-иқтисодиёт коллежининг "Материалларга дастгоҳ ва автомат тизимларда ишлов бериш-1201" мутахассислигида 26, Шаҳрихон сервис техникаси ва технологик тадбиркорлик коллежининг "Халқ хўжалик тармоқларида иқтисод ва режалаштириш-0101" мутахассислигида 17 фоиз қайд этилди.

Талаба-ўқувчиларнинг таълим муассасаларида олган баҳолари таҳлил қилинганда ўқувчилар билим даражаларининг ниҳоятда пастлиги, номлари юқорида келтирилиб ва қуйидаги ўқув юртларида аниқланди: Самарқанд давлат санъат билим юртининг "Мусиқа назарияси-0507" мутахассислиги ўқувчиларининг билим сифати ("4" ва "5" баҳоларга ўқиганлар) атиги 10 фоизни, Гулистон тиббиёт билим юртида 19, Оқолтин агроиқтисодиёт коллежида 21, Тошкент агробизнес коллежида 21, Олмалиқ тиббиёт билим юртида 26 ва Гулистон қурилиш техникумида 26,3 фоизни ташкил этди.

Фаолияти ўрганилган ўрта махсус ўқув юртларининг тармоқлар бўйича рейтинг жадвали ва гистограммаси (2-сон Бюллетень, 3-илова)да "маданият ва санъат" тармоғида таҳсил олувчиларнинг билим сифати бошқа тармоқларга нисбатан юқори турса-да, ушбу тармоқ бўйича кадрлар тайёрлашда ўқув юртларининг моддий-техник салоҳияти ҳамда ўқув жараёнининг сифатли меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш даражасига эътибор қаратиш тавсия этилди. Шу каби бошқа тармоқлар бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатувчи омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги мазкур бюллетень саҳифаларида таъкидланди.

Бундан ташқари, фаолияти ўрганилган барча ўрта махсус ўқув юртларида талаба-ўқувчилар билимини назорат қилишнинг илғор усуллари (рейтинг, тест) суст жорий этилмоқда. Бугунги кунда иқтидорли ва аълочи ёшлар билан ишлаш учун биронта ҳам ўрта махсус ўқув юртида махсус ўқув режа ва дастурлар мавжуд эмас.

Ўрта-махсус ўқув юртларида кадрлар тайёрлашда муҳим омил — ўқитувчилар таркибини мувофиқлаштириш ва моддий-техника таъминоти масалалари ҳам катта ўрин тутади. Бу борада ҳам ўрта-махсус ўқув юртлари олдида ўз ечимини топмаган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Деярлик барча ўрта махсус таълим муассасаларининг педагог-ўқитувчилари ўз мутахассисликлари бўйича вақтида малака оширмаган ёки қайта тайёргарликдан ўтмаган, ўқув-услубий ишлар деярлик чоп этилмаган. Ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва тиббий соҳаларда дарс берувчи ўқитувчилар етишмайди. Ишлаб турганлари ҳам ўз вақтида қайта тайёргарликдан ўтмаган.

Мутасадди бошқарув органлари ва бевосита ўқув юртлари раҳбарларининг совуққонлиги оқибатида кўпчилик ўқув юртларининг ўқув бинолари, ўқув-лаборатория базаси қаровсиз аҳволга келиб қолган. Бунга мисол қилиб, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамда республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Сирдарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги таълим муассасаларини келтириш мумкин.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга эътибор қаратилмаган.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус ўқув юртларининг олдида турган муҳим вазифа, уларнинг негизида ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежларида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган билимли ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашни таъминлашдан иборат.

Ўрта-махсус таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш сифатини мониторинг тизими орқали кузатиб бориш, ўқув юртлари рейтингини аниқлаш республикамизнинг ўрта махсус таълим тизимида муҳим янгилик ҳисобланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида тайёрланадиган кадрлар сифатини назорат қилиш фақатгина мутасадди ташкилотларнинг иши бўлмасдан, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам муҳим иши бўлмоғи лозим. Ҳолбуки, келажак авлодларимизни кенг дунёқарашли, замонавий, малакали мутахассис кадрлар қилиб вояга етказишимиз биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимида учраётган муаммоларни бартараф этишда, айниқса, бошқарув органлари ва илмий-тадқиқот муассасалари аниқ амалий тадбирларни тезликда амалга оширишса, фойдадан холи бўлмайди.

**Раҳимберди РАЖАББОЕВ,**
**таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг бўлим бошлиғи,**

**Қаюм БОЙМИРОВ,**
**бошқарма эксперти**

Sog'lom tanda — sog' aql

# "БИЗ СПОРТНИ СЕВАМИЗ!"

*Термиз Давлат университети жамоасининг шиори шундай.*

*Айни кунда университетда 12 та факультет бўлиб, унда 450 нафар профессор-ўқитувчилар салкам 5 минг нафарга яқин ёшларга кундузги ва сиртқи йўналишда таълим бермоқдалар.*

*Илм масканида 3 та талабалар уйи, 70 ўринли тиббиёт маркази, спорт тўгараклари, музей, маънавият ва маърифат хонаси эзгу мақсад учун хизмат қилаяпти.*

*— Талабалар талаби — давр талаби, - дейди биз билан бўлган суҳбатда университет ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор Сайфулло Турсунов. — Талабалар жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилинган. Якунланган йилда университет талабалари "Қувноқ стартлар" мусобақаси бўйича республика олий ўқув юртлари орасида мутлақ ғолибликни қўлга киритдилар. Талабалар орасида Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва Беруний стипендияси совриндорлари бор.*

*Дарҳақиқат, бу даргоҳда спорт ва соғломлаштириш иши биринчи даражага олиб чиқилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Илм масканида талабадан тортиб профессоргача, кафедра мудиридан тортиб университет ректоригача, ҳамма-ҳамма спортни севади. Бу масканда ҳар ким ҳеч бўлмаганда спортнинг бир тури билан мунтазам шуғулланади.*

*Талабаларнинг футбол жамоаси 1977 йилда ташкил этилган бўлиб, жамоа аъзолари 1998 йилги мавсумдан эътиборан вилоят чемпионатида тўп сура бошлашди. Футболчиларнинг уриниши ҳеч қачон бесамар кетаётгани йўқ. 1999 йилги якуний натижаларга кўра, 14 та жамоа орасида улар кучли бешликдан ўрин олди. Университет ректори томонидан тасдиқланган 2000 йилги харажатлар сметасида спорт ишлари учун катта маблағ ажратилган.*

*Соғлом авлод йили муносабати билан университет раҳбарияти ишлаб чиққан тадбир-режага мувофиқ талабаю устозларнинг, барча-барча ходимларнинг нафақат жисмоний саломатлигини кўтариш, керак бўлса уларнинг маънавий дунёсини ҳам бойитиш масалалари эътиборда турибди.*

**Абдували ОБИДДИН,**
**"Маърифат"нинг ўз мухбири**

# XXI АСР БАЛОСИ — ГИЁҲВАНДЛИК

Ўт балоси, сув балоси, туҳмат балосидан қўрқамиз ва иложи борича бу нарсалардан ўзимизни асрашга ҳаракат қиламиз. Бу балолар қаторига XXI аср бўсағасида яна бир бало қўшилди. Бу – гиёҳвандлик. Аслида бу офат янги эмас. Лекин тараққиёт ўсиб борар экан, гиёҳвандлик ҳам тобора илдиз отиб бормоқда. Ачинарлиси, бу ёмон одат ёшлар ўртасида авж олмоқда.

Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси ҳамда жамғарма қошида фаолият юритаётган "Камолот-Қонун" ҳуқуқий маркази "Ёшлар XXI асрга – гиёҳванд моддаларсиз" номли дастур ишлаб чиқди. Номидан ҳам кўриниб турибдики, XXI аср балосига айланиб улгурган гиёҳвандликдан ёшларни, ўсмирларни қайтариш, уларнинг ўз йўлини топиб олишларида ёрдам бериш дастурнинг асосий мақсади.

Куни кеча Миллий матбуот марказида дастур ташкилотчилари ва Оммавий ахборот воситалари вакилларининг мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқотни "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги гиёҳванд моддалар назорати бўйича Миллий марказ раҳбари Лола Ёдгорова гиёҳвандлик, унинг олдини олиш учун қилинаётган ишлар, юртимизга гиёҳванд моддаларни олиб киришга уринишлар ва ёшларимизни гиёҳвандликдан қайтариш учун қилиниши керак бўлган вазифалар ҳақида гапирди.

Дастур директори Алишер Холиқов дастур босқичлари, ҳар бир босқичда амалга ошириладиган ишлар билан йиғилганларни таништирди.

Жамғарма қошида фаолият юритаётган "Камолот-Қонун" ҳуқуқий маркази бу дастурнинг асосчисидир.

Республика миқёсида 228 та бўлим шу дастур асосида иш олиб боради. Демакки, барча вилоятларнинг чекка туманларида ҳам дастур асосида фаолият юритилади. Мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ушбу дастурга кенг жалб этилади.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

# СОҒЛОМ ЖАМИЯТ САРИ

Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Президиуми ҳамда Фан ва техника Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Ёш олимлар наркотикларсиз жамият сари" мавзусида ўзининг навбатдаги семинарини ўтказди.

Йиғилиш ёш олимларни мамлакатимизда олиб борилаётган гиёҳвандликни олдини олиш чора-тадбирлари ва унга қарши кураш учун қилинаётган ишлар билан таништириш, шунингдек ёш олимлар бу муаммони ечиш йўлида қандай ҳисса қўша олишларини аниқлаш мақсадида ташкил этилди.

Семинарда Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлиги бош наркологи Дилрабо Абдалиева иштирок этди ва жаҳондаги гиёҳвандлик даражаси ҳақидаги статистик маълумотлар ҳамда бу жиддий касалликни даволаш усуллари ҳақидаги маълумотлар билан таништирди.

Бутун жаҳон гиёҳвандликка қарши курашаётган бир пайтда биз ҳам XXI асрга соғлом авлод, соғлом муҳит билан кириб борайлик.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзМУ талабаси**

# ЁШЛАР КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Tanlov

**Ангрен шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият марказида бўлиб ўтган "Соғлом авлод йили"га бағишланган "Ёшлар — келажак пойдевори" мавзуидаги кўрик-танловда шаҳардаги муаллимлар тайёрлаш билим юрти, Ангрен политехникуми, педагогика лицейи ва 14-касб-ҳунар мактаби талабалари иштирок этдилар.**

**—Талабаларнинг билим ва савиялари тўрт босқичда синаб кўрилди, — деди маданият марказининг ташкилий-услубиёт ишлари бўлими мудири Кимёхон Қосимхонова. — Улар ижро этган "Танишув", "XXI асрда Ўзбекистон ёшлари" каби саҳналар ёшларимизнинг дунёқарашлари ва тасаввур доиралари кенглиги, зукколикларини намоён этди.**

**Учинчи шарт — "Мусиқали жумбоқ"қа топган жавоблари ҳамда тўртинчи шарт асосида кўзлари боғланган ҳолда чизган расмлари уларнинг мусиқа ва санъатга ҳам ошно эканликларидан далолатдир.**

**Кўрик-танловда Ангрен шаҳар муаллимлар тайёрлаш билим юртининг 2-босқич талабаси Маъмура Исмоилова биринчи ўринни, педагогика лицейининг 10-синф ўқувчиси Лазизхон Ҳасанов иккинчи, политехникум толиби Шермат Тожибоев эса учинчи ўринни эгаллашди.**

**"Туркистон-пресс"**



Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 4-йўналишли мактабнинг физика фани ўқитувчиси "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Исроил Жураев Давлат Тест маркази ўтказган "Педогогик тестларнинг ижодкор муаллифи" кўрик танловида I даражали диплом билан тақдирланди.

***Суратда: Исроил Жўраев ўқувчиларига физиканинг сирли жумбоқларини ўргатмоқда.***

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар**

# ОЙДИН ЙЎЛ МАНЗАРАЛАРИ

Ҳиндистоннинг Чағониён, Марғиёна, Суғдиёна давлатлари билан маданий, маърифий алоқалари мавжуд бўлганлигини исботловчи тарихий ҳужжатлар мавжудки, улар Ҳиндистон ва Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан бўлган азалий илмий, маданий ва маърифий алоқаларнинг қадим-қадим даврларга бориб тақалишидан дарак беради, — деди Ҳиндистон Маданият марказида ўтказилган "Исломгача Ҳиндистон ва Марказий Осиё" мавзуида бўлиб ўтган анжуман иштирокчиси ҳиндистонлик профессор Борун дей "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда.

Олимнинг эътирофича, қадимий Ҳиндистоннинг таниқли ҳукмдори Ашоканинг қўлёзмалари ўз она-Ватанидан эмас, Қандаҳордан топилишининг ўзиёқ исломгача бўлган даврда ҳам Ҳиндистон ва Марказий Осиё қанчалар яқин муносабатда бўлганлигига далолатдир. Ашока ҳукмдорлигидан сўнг бошланган буддизмнинг қимматли тарихий ёдгорликлари Хоразмда, Сурхондарёда топилган. Зеро, буддизм Марказий Осиё орқали аввал Хитойга, сўнг Корея, Японияга тарқалган. Зардуштийлик маданияти унсурлари Ўзбекистонда ҳам, Ҳиндистонда ҳам топилганки, бу икки мамлакат халқлари азалдан елкама-елка, бақамти яшаганлигини исботлайди, — деди суҳбатдошимиз.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бахаскар Кумар Митра буюк боболонимиз Алишер Навоий Хусрав Деҳлавийни ўз устози деб тан олганлигини, туронзаминнинг буюк даҳолари Мирзо Ғолиб ва Абдулқодир Бедил ҳинд тупроғида яшаб, баракали ижод этганликларини, Буюк ипак йўли Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари тараққиётида катта аҳамият касб этганини таъкидлади.

Xalqaro hamkorlik

# БОҚИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

*ЎзДЖТУда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси халқларининг дўстлигига бағишланган кечада Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мамдуҳ Шавқий Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг икки давлат ўртасидаги фан ва таълим соҳасидаги, маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги хизматлари беқиёс эканлигини таъкидлади.*

*—Миср Араб республикаси ва Ўзбекистон диёри ўртасидаги маданий-маърифий муносабатлар қадимий илдизга эга, — деди Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори Жалолдин Бўронов. — Бугунги каби тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг абадий бўлишига, қардошлик ришталарининг эса янада жипслашувига хизмат қилади.*

*Тадбир Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Миср Араб Республикаси элчихонасининг Тошкентдаги Фан ва таълим маркази, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар ва дўстлик жамиятлари кенгаши ҳамда Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.*

**"Туркистон-пресс"**

*Лойиҳа*

# Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари тўғрисида МУВАҚҚАТ НИЗОМ

**1.Умумий қоидалар**

1.1. Туман(шаҳар) миқёсида ташкил этиладиган халқ таълими бўлимлари (кейинги ўринларда «Бўлим») ўз ҳудудларида таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари ҳисобланади ва ўз фаолиятларида тегишли ҳокимиятлар ва халқ таълим бошқармаларига (Қорақалпоғистон Республикасида - Халқ таълими вазирлигига) бўйсунади.

1.2. Бўлим ўз ҳуқуқи доирасида тасарруфидаги умумий ўрта таълим муассасалари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини устивор йўналишлари ва тамойиллари асосида иш олиб боради ҳамда амалга оширилишини таъминлайди.

1.3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Президент ва Ҳукуматнинг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат орган-ларининг қарорлари ва буйруқлари, тегишли маҳаллий давлат ҳокимият органларининг кўрсатмалари, таълим соҳасидаги бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

**2. Бўлимнинг асосий мақсад ва вазифалари**

2.1. Бўлимнинг асосий мақсади тасарруфидаги таълим муассасаларига умумий раҳбарликни амалга ошириш, уларда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Президент ва Ҳукуматнинг Фармони, Фармойиши ва қарорлари, Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармасининг қарор ва буйруқлари, давлат таълим стандартлари ва давлат талабалари бажарилишини таъминлаш, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларга ўқув-методик ёрдам кўрсатишдан иборат.

2.2. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

· таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда уларга ўқув-тарбиявий, услубий, моддий-техникавий ва бошқа масалаларда ёрдам беришга раҳбарлик қилиш;

· идоравий бўйсуниш ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, ўзи ҳудудидаги ўз ҳуқуқ доирасидаги барча таълим муассасаларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган талаб ва вазифалар бажарилиши мониторингини амалга ошириш;

· туман(шаҳар) бўйича таълим стратегиясини ишлаб чиқиш, ривожланиш истиқболини белгилаш ва режалаштириш. Маҳаллий ҳокимият раҳбарлигида ҳудудларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий шароитини, фуқароларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини инобатга олиб, замонавий талаблар даражасида турли кўринишдаги таълим муассасаларини ташкил этиш ва тўғри жойлаштириш;

· таълим муассасаларида педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаб бориш ҳамда тўла таъминлаш масаласини ечишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

· тасарруфидаги таълим муассасаси педагог кадрларини тарбиялаш бўйича ишларни олиб бориш, меҳнат интизомига риоя қилинишини назорат қилиш;

· Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан ўқитувчиларнинг маҳорати, ижодкорлиги, ташаббускорлигини намоён этиш учун уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш;

· ўқув-тарбия муассасалари моддий негизини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

· умумий ўрта таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида давлат талаблари бажарилишини таъминлаш;

· бўлим қошидаги Мониторинг маркази негизида таълим жараёни ҳолатини холисона экспертиза қилиш, ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, таълим жараёнини стратегик ва тактик ечимларини белгилаш, назорат қилиш, баҳолаш бўйича мониторинг тизимини яратиш;

· Мониторинг маркази негизида таълим муассасаларида мониторинг тизимини шакллантириш ва улар фаолиятини назорат қилиш;

· янги педагогик технологиялар, республика ва чет эл илғор тажрибалари билан таништириш, ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этишга имкон яратиш;

· болалар ва ўсмирларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

· таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қуватлаш, рағбатлантириш ишларини амалга ошириш, педагог кадрлар малакасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

· таълим мазмунини конструктив асосида янгилаб бориш, таълим тизимида тадбиркор, бунёдкор, ижодкор, янгилик билан ишлайдиган ўқитувчилардан иборат инновацион гуруҳлар тузиш ва улар фаолиятларини такомиллаштириб бориш;

· маҳаллий ҳокимият, ҳукумат ва жамоат ташкилотлари, ижодий уюшма ва жамғармалар, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда таълимни ривожлантириш истиқболини белгилаш;

· мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги концепциясини амалга оширилишини таъминлаш;

· таълим соҳасида таълим хизматлари кўрсатиш бозори ва маркетингни шакллантириш;

· пуллик хизмат кўрсатиш, сармоядан ташқари маблағ топишни ташкил қилиш ва ривожлантириш;

· таълим тизимини ахборотлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш;

· педагогикпсихологик ташхис маркази фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, психологик-ташхисдан ўтказиш, қизиқиш ва мойилликларини, интеллект даражасини аниқлаш ишларини ташкил этиш;

· ташхис маркази тавсиялари асосида битирувчи синф ўқувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишлари учун тегишли таклиф ва хулосаларини бериш.

**3. Бўлимнинг асосий фаолият йўналишлари**

Бўлим ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги йўналишларда ишларни мувофиқлаштиради:

· маҳаллий ҳокимиятлар, манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда таълим тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболини ишлаб чиқади, уларни рўёбга чиқаришда давлат ва жамоат тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

· таълим муассасаларига услубий раҳбарликни амалга оширади ва назорат қилади, кенг қамровли услубий ёрдам беришни, тегишли методик ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни, ўқишнинг илғор шакллари, янги педагогик технологияларни, фан ютуқларини ўқув жараёнига жорий этишни ташкил этади;

· педагог кадрлар малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни назорат қилади, қўшимча мутахассисликка ўқишлари, касб билимларини ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилаш учун шарт-шароитлар яратади;

· умумий ўрта таълим муассасалари кесимида давлат таълим стандартлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалари кесимида давлат талабларининг бажарилиши мониторингини мунтазам ташкил этади;

· мониторинг натижаларини туман(шаҳар) халқ таълими бўлими қошидаги Мониторинг марказида мужассамлаштиради;

· тасарруфидаги таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари ва давлат талабларининг бажарилиши юзасидан паст кўрсаткичларга эришиш сабабларини аниқлайди ва таълим самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилайди, юқори кўрсаткичларга эришган таълим муассасаларини рағбатлантиради;

· таълим муассасаларида умумтаълим фанларини ўқитишнинг талаб даражасида қўйилишига, меҳнат, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва жисмоний тарбия берилишига, касбга йўналтиришнинг ташкил этилишига ўқув-услубий раҳбарликни амалга оширади;

· умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ва ўсмирларнинг давлат таълим стандартлари талабларидан юқори даражадаги таълим олишларига шарт-шароитлар яратади;

· таълим муассасаларида чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган синфларни ташкил этади, улар фаолиятини давр нуқтаи назаридан такомиллаштириб боради;

· хорижий тилларни фаол ўзлаштириш, ўқув-тарбия муассасаларида ўқув жараёнининг жадаллаштирилган услубларини татбиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига, болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилишига кўмаклашади;

*Мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги ёшлар тарбияси йўлидаги муҳим қадамдир.*

*Бешта тилни биладиган 6 ёшли бола*



Festival

## ТАЛАБА ИЖРО ЭТАДИ...

**Саҳнада талабалар. Табиийки, улар ҳаяжонда. Ишқибозлар ҳам бу туйғудан холи эмас. Қани, финалга ким чиқаркин?**

**Пойтахтимиздаги Тўқимачилар маданият саройида бўлиб ўтган "Ниҳол театр – 2000" санъат фестивалида худди шу руҳ, худди шу кайфият сезилиб турди.**

**Фестивалнинг I босқичи ҳар бир олий ўқув юртининг ўзида бўлиб ўтган бўлса, II босқичига фақат энг сара талабаларнинг томошалари танлаб олинган эди.**

**Шундай қилиб, республика талаба театр-студияларининг бу фестивалига Тошкент вилояти ҳамда пойтахтдаги 18 та олий ўқув юртлари иштирок этиб, ўз саҳна кўринишларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этишди. Мақсад эса талабаларда бадиий эстетик дидни тарбиялашга қаратилган бўлиб, танланган мавзуларда халқимиз урф-одатлари, қадриятлари, шунингдек, мустақиллик ғоялари мезон қилиб олинган эди. Фестивални ўтказиш Низомига кўра, ана шу мезоннинг уддасидан чиққан институт, университет ғолиб деб топилади.**

**Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси томонидан таъсис этилган бу фестивал Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат, II Тошкент Давлат Тиббиёт институтлари, Низомий номидаги ТДПУ, ТДТУлари талабаларини ғолиб деб топди.**

**Томошабинни ҳайратда қолдирган ва юқори баҳо олган саҳна кўринишлари, шубҳасиз, 5 апрелда Ўзбекистон Миллий Университетида бўлиб ўтадиган республика олий ўқув юртларининг фестивалида намойиш этиладиган бўлди.**

**Омад сизга ёр бўлсин, талабалар!**

**Д. МУСАБОЕВА**

## НАВРЎЗ БИЗГА МУҲТАРАМ

*Баҳор келиб чиройларга тўлиб қолди ҳур ўлкам,*
*Қадим замонлардан буён Наврўз бизга муҳтарам.*

*Қишлоқ, шаҳар, далаларда байрам қилар халқимиз,*
*Руҳлантиради кекса-ёшни, зўр куй — "Наврўз ажам".*

*Севишганлар қўл ушлашиб кезишмоқда ҳар ёқда,*
*Ҳар ким севган томошаси бор жойда бўлмоқда жам.*

*Юртимиз тинч, эл хотиржам, кулган иқбол-бахтимиз,*
*Шунинг учун завқли-шавқли ўтмоқдадир бу байрам.*

*Анъаналар тиклангани қувонч солди дилларга,*
*Наврўз мадҳин ёзмоқ учун Тўра қўлида қалам.*

## БАҲОР АЙЁМИДА

*Гулга буркаб борлиқни келди Наврўзи олам,*
*Наврўз сайли бошланди боғда, сўлим сойларда.*
*Ясанган элим билан яна яшнади далам,*
*Давра қизир тобора пасту баланд жойларда.*

Ko'ngil bitiklari

*Наврўз таомларига тўлиб кетди дастурхон,*
*Ялпиз солинган патир, кўк сомсаю сумалак,*
*Ҳадиси, умоч оши танга бағишлар дармон,*
*Тотли қилган дўлмани қоқи, равоч, исмалоқ.*

*Янграган қувноқ қўшиқ, куй Наврўзни олқишлар,*
*Жўр бўлади қўшиққа сойлардаги тошқин сув.*
*Севинч солиб юракка майин сайрайди қушлар,*
*Аввал бўлмаган каби олам шунчалар сулув.*

*Ипга тизилган каби учиб ўтар турналар,*
*Қуёш иссиқ меҳрини тўкиб кулиб қарайди.*
*Тушган ушоқни териб мусичалар йўрғалар,*
*Таралган мушк-анбардан шод кўнгиллар яйрайди.*

*Жажжи гўдакчасининг қўлчасига гул тутиб,*
*Оналар кулишида Наврўз ҳуснин кўраман.*
*Қизлар ғоят ясаниб, ошиқ дилни чоғ этиб,*
*Чиройга тўлишида Наврўз ҳуснин кўраман.*

**Тўра ЖУМАН**





*Ийд Қурбон ҳайити жамоа байрами, яхшиликлар, меҳр байрами. Фарзандлар ота-оналарига, ота-оналар фарзандларига, яқинлари, қавму қариндошлари, бемор, мискинларга меҳр улашувчи, яхшиликлар тиловчи байрам. Эзгу ниятлар байрами. Ҳайитингиз муборак бўлсин!*

Quvnoq startlar

## "МАШЪАЛ" ЯРИМ ФИНАЛДА

XVII республика "Қувноқ стартлар" телемусобақасининг иккинчи давра учрашувини Марказий ҳарбий спорт клуби залини тўлдириб ўтирган ишқибозлар катта қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилишди.

Ярим финалга чиқиш учун ғалаба иштиёқида майдонга тушган Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 9-ўрта мактабнинг "Лочин" ва Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 236-ўрта мактабнинг "Машъал" командаси аъзолари дастурнинг дастлабки беллашуви — "Баскетболчилар баҳси"да (5 ўғил ва 5 қиз) тезкорлик ва маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Бу мусобақада шошқалоқлик ва ортиқча ҳаяжонга берилган пойтахтлик ўқувчилар уч марта тўпни саватга туширмасдан финишчизиғига қайтишди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари "Лочин" командасига 3 очко, "Машъал" командасига 1 очко беришга қарор қилишди.

Дастурнинг иккинчи — "Ўрин алмашиш" эстафетасида пойтахтлик ўқувчилар анча чаққон ҳаракат қилишди ва маррага биринчи бўлиб етиб келишди. Лекин йўл қўйилган хатоларни ҳисобга олган ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларга 2 очко беришди. "Лочин" командаси 1 очко олди.

Шундан кейинги кетма-кет бешта беллашувда ("Бўрон", "Баскетболчи қизлар", "Тўсиқлар устидан сакраб ўтиш", "Эпчил болалар", "Мокисимон югуриш") "Машъал" командаси эпчиллик ва маҳорат жиҳатидан устунликларини намойиш этиб, ғалаба қозонишди. Айниқса "Бўрон" мусобақасида ўғил болалар қопчиқни белгиланган ҳалқа ичига ташлашда ҳамжиҳат ҳаракат қилишди. "Баскетболчи қизлар" баҳсида эса тўпларни олиб юриб тўрга туширишда қизлар маҳоратларини кўрсатишди. "Эпчил болалар" баҳсида ҳам ўғил болаларнинг ўмбалоқ ошиб тўсиқлардан ўтиш ва тўпни дарвозага аниқ тепишлари мусобақага пухта ҳозирлик кўрилганинидан нишонадир. Дастурнинг қолган икки учрашуви ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтса арзийди.

Дастурнинг саккизинчи ("Чаққон болалар") ва тўққизинчи ("Тезкорликда беллашайлик") учрашувларида "Лочин" командаси ғалаба қозонди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари "Чаққон болалар" баҳсида тўрт марта ўйин қоидасини бузган "Машъал" командасига 2 та жарима очкоси белгилади. "Тезкорликда беллашайлик" баҳсида ҳам "Лочин" командаси аниқ ва чаққон ҳаракат қилганлиги инобатга олинди.

Мусобақанинг "Сардорлар баҳси"да пойтахт командаси сардори арқон тортиш беллашувида ғолиб чиқиб, 1 очкони қўлга киритди.

Жўшқин ҳаракат, спорт маҳорати кўригига айланган дўстлик ва ўртоқлик учрашувида 21:15 ҳисобида "Машъал" командаси ғолиб чиқиб, ярим финал беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини олди.

**Ғ.МАННОПОВ**

## ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИР

Пойтахтимиздаги 169-мактабда ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, Ҳизбут таҳрир" ва ваҳобийлар оқимига ўз муносабатларини билдириши учун "Бўстон" маҳалласида Кўкалдош мадрасаси билим юрти илмий мудири Т. Кенжаев билан давра суҳбати ўтказилди. Унда ўқувчилар билан ҳозирги кунда давлатимиз илгари сурган долзарб мавзу, мана шу оқимларга бўлган муносабат талқин этилди.

Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш тўғрисида" "Бўстон" маҳалла қўмитаси раиси А. Атаматов маҳаллада ўтказилган ва режалаштирилган тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Мактаб раҳбари П. Аъзамов сўзга чиқиб, ўқувчиларни огоҳликка, ҳар бир воқеа-ҳодисага бефарқ қарамасликка, мактаб ички тартиб-интизомига қатъий риоя қилишга чақирди. Диний ақидапарастлик, турли хил дин ниқоби остидаги оқимларга ўз муносабатларини билдирди.

Мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги шубҳасиз, ёшларнинг она-Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини тарбиялашга қўйилган муҳим қадамдир.

**Ф. АТАМАТОВА,**
**169-мактаб маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари**

Xullas...

### ЯРАТГАННИНГ ЯРАТГАНИ

Африкада дунёга келган шайх Шариф ал Халифнинг ўғилчаси Оллоҳ томонидан берилган қобилият эгаси бўлиб ўсмоқда. Вундеркинд (фавқулодда истеъдодли) бола ҳозир 6 ёшда, бешта тилда гаплаша олади.

Бола Қуръони карим сураларини шу қадар келтириб қироат қиладики, тинглаганлар тангрининг карамига шак келтиролмайдилар.

Воизлик қобилиятини худо ҳар кимга ҳам беравермас экан.

Яратганнинг хўп яратганлари бор-да...

### ҚУТҚАРУВЧИНИ ҚУТҚАРАЁТИБ...

Монтёр Уразов симёғочга осилиб, узилиб қолган симни тортмоқчи эди. Ботинкаси тагига нимадир илашгандек туюлди, тошпош бўлса керакдир, дея оёғини силтаб юборди.

Одамзотнинг табиати қизиқ-да. Ботинкага ҳеч қандай нарса эмас, балки монтёрнинг ҳамқишлоғи илашган экан. Уразовни ток уриб кетмасин, дея қутқарувчини қутқаришга аҳд қилган шўрликнинг оёғи шикастланди.

### СОВРИНДОР БУҚА

Испанияда томошабинлар энг кўп йиғиладиган буқалар жанги қонли тўфонга айланиб кетганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Жанубий Кореяда худди шундай олишувни эслатадиган мусобақа бўлиб ўтди.

Чондо шаҳарчасида бундай жанглар ўн йилдан бери ўтказилмоқда. Бу галги мусобақада Япониядан келтирилган тўрт ҳўкиз ҳамда америкалик чавандозлар ташриф буюришди.

"Иштирокчилар" 730 килогача ва ундан ошиқ оғирликдадир. Энг улкани Корея ҳўкизи бўлиб, у бошқаларидан олдинги оёқларининг қисқалиги ва ўткир шохлари билан ажралиб туради. Ҳўкизнинг хўжайи-ни уни мусобақага обдон тайёрлаган. Бир ойлик озуқасига 400 доллар сарфлангач, ҳўкизнинг кўриниши қандай бўлишини тасаввур қилаверинг.

Қисқаси, ўша ҳўкиз совриндор бўлди: 32 минг долларни қуртдек олган соҳиб эса илжайиб турарди.

### ТОРТДАН КЕЙИНГИ ТЕКШИРУВ

Кутмар қишлоғига (Қозон, Звенигов тумани) меҳмондорчиликка бориб, у ерда улкан тортни паққос туширганларнинг ҳаммаси юқумли касалликлар шифохонасига келтирилди.

Маълум бўлишича, тортга 16 та тухум сарфланган. "Фирменный" торт муаллифининг ўзи унга қўл ҳам урмаган.

Маҳаллий санитария назорати ходимлари тортнинг қолган-қутганини лабораторияга келтиришди. Текширувга нафақат торт, балки товуқ боқиладиган 455 та ҳовли ҳам кирди.

ana shunaqa gaplar...

Sport

### ТЎРТИНЧИ ЛИГАДА ҲАМ 20 ТА

**жамоа бу йилги биринчиликда тўп сурадиган бўлди. "Ёшлик" (Тўрақўрғон), "Бунёд" (Навоий) ва "Олтин тола" (Косон) лиганинг охирги уч жамоаси бўлган, бўлса, "Олтин тола" Қашқадарё вилоятининг биринчи лигадаги тўртинчи жамоасидир.**

### КАРАТЭНИ ҲАММА СЕВАДИ

**11-12 март кунлари "Жар" спорт мажмуида бўлиб ўтган ўсмир-ёшлар ўртасида республика биринчилигида 15 та каратэ клубининг 800 га яқин спортчилари иштирок этди. Каратэнинг 2004 йилги олимпиада ўйинларига киритилганини ҳисобга олсак, ўсмирларнинг бугунги баҳслари келажак учун қўйилган муҳим қадамдир.**

### ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

**Футбол мамлакат кубоги ярим финалчилари маълум бўлди. 6 май – 18 июнь кунлари бўлиб ўтадиган ўйинларда "Дўстлик" — "Нефтчи", "Насаф" — "Самарқанд – Динамо" жуфтлари ўзаро куч синашадилар. Финал 28 июнь куни "Пахтакор" марказий стадионида бўлиб ўтади.**

### ТЎЙ БЎЛМАЙДИ... БЎЛАДИ

**Машҳур теннисчилар Андре Агасси ва Штефф Граф ўртасидаги ишқий саргузаштлар ҳақидаги гап ёлғон бўлиб чиқди. Ҳар ҳолда Граф шундай деди.**

**Россиялик юлдузлар — теннис юлдузи Анна Курникова ҳамда хоккей юлдузи Павел Бурье эса турмуш қуришга аҳд қилишди. Тўйга таклиф қилинганлар ичида Е. Примаков, В. Путин, И. Крутой, У. Церетели каби машҳур кишилар бор.**

### ИТАЛИЯ — ЎЙИНИДАН ТАШҚАРИ...

**УЕФА кубоги нимчорак финалида Италия клубларининг барчаси мағлуб бўлишди: "Удинезе", "Славия"га, "Ювентус", "Сельта"га, "Парма", "Вердер"га, "Рома", "Лидс"га. 16-23 март кунлари бўладиган чорак финалда қуйидаги клублар ўйнайди: "Сельта" — "Ланс", "Малъорка" — "Галатасарой", "Арсенал" — "Вердер", "Лидс" — "Славия".**

maydonchasi


## Очиқ Жамият Институти — Ўзбекистон

**"Мактабларни самарали бошқариш" мавзусидаги тўрт кунлик семинарда иштирок этиш учун очиқ танлов эълон қилади**

Танловда Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, гимназия ва лицейларининг директорлари ва ўқув ишлари бўйича директор муовинлари, шунингдек, халқ таълими бўлимлари ходимлари иштирок этишлари мумкин.

Семинар дастури қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади:

- **Менежмент асослари**
- Мактабни бошқаришнинг ўзига хос томонлари
- Кадрлар билан самарали ишлаш
- Жамоатчиликни мактаб фаолиятига жалб этиш йўллари
- Мактаб ривожланиши учун қўшимча маблағлар топиш ва бошқалар

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги маълумотлар кўрсатилган талабномани юбориш зарур:

- **Иштирокчи ҳақида маълумот (исм-шарифи, иш жойи, лавозими, манзили ва телефонлари)**
- **Меҳнат фаолияти ҳақида қисқача ахборот**
- **Семинарда қатнашишнинг қисқача асослари**

Семинар чет эллик мутахассислар томонидан ўтказилади. Семинарда иштирок этувчи вилоятлар вакилларининг яшаш ва йўл ҳақи харажатлари Очиқ Жамият Институти — Ўзбекистон томонидан қопланади.

**Семинарда иштирок этиш учун талабномалар 2000 йилнинг 31 мартига қадар қабул қилинади.**

Қўшимча маълумот учун Очиқ Жамият Институти координатори Гўзал Субановага мурожаат қилишингиз мумкин.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700031, Зарбоғ кўчаси, 31-уй.**

Тел/факс: (371) 120-68-54, 152-27-41, 56-54-53, 56-51-19, 56-52-09.

E-mail: guzal @ osi. freenet.uz


## ЙЎЛЛАРИНГ НУРАФШОН БЎЛСИН, БОЛАКАЙ!

Кўчаларимизни тўлдириб, кўзларни қувонтириб юрган турли русумдаги автомобилларнинг саноғини адо этиб бўлмайди. Инсонларнинг мушкулларини осон, узоғини яқин қилиш қувонарли ҳол албатта! Бироқ, мана шундай транспорт востaлари бир марта бериладиган инсон умрига хотима қўйиши, уни хазон янглиғ супуриб ташлаши-чи? Айниқса, мурғак, норасида гўдакларнинг бошлари узра охират пардасининг ёпилиши-чи? Хўш, бунда айбдор машина рулини бошқариб бораётган ҳайдовчими ёки йўл ҳаракати қоидаларини билмаган йўловчими? Кишиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билмасликлари, билсалар-да унга риоя қилмасликлари чидаб бўлмас даражада оҳ-нолага сабаб бўлмоқда.

Бундай нохуш ҳолатларнинг болалар орасида кўплаб учраши ҳар қандай соф виждонли, иймони бутун, диёнатли кишилар учун бошга тушган улкан ҳарсанг тошдай гап.

Хўш, шаҳри азим аталмиш Тошкентда, жумладан шаҳар мактабгача таълим, умумтаълим мактабларида йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги қай даражада мазмун касб этган?

Шу муносабат билан шаҳардаги нуфузли мактаблардан бири — 110-мактабда шаҳар миқёсида амалий семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳарда фаолият кўрсатаётган таълим-тарбия масканларининг раҳбарлари, маҳалла вакиллари, шаҳар автомобиль назорати мутасадди ходимлари иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ.Йўлдошев тадбирнинг мазмун-моҳияти билан иштирокчиларни таништирди. Шундан сўнг сўзга чиққан Тошкент шаҳар автомобиль назорати бошлиғи, милиция полковниги Р.Даминов ютуқлар, шунингдек жиддий камчиликлар хусусида алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг сўзга чиққан шаҳар автомобиль назорати матбуот марказининг раҳбари, милиция подполковниги А.Эрназаров болалар томонидан йўл ҳаракатининг бузилиши, оқибатда содир бўлган ҳолатларни аниқ далиллар асосида таҳлил қилиб берди.

Шаҳар автомобиль назорати бошлиғи ва матбуот маркази раҳбари жиддий камчиликларни бартараф қилиш, ДАН ходимлари билан таълим-тарбия муассасалари ўртасидаги узвий боғлиқликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида муфассал тўхталдилар.

Семинар-кенгаш сўнгида шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ.Йўлдошев таълим-тарбия масканларида бу борада олиб борилган ва борилаётган ишлар хусусида гапириб, йўл қўйилган хато, камчиликларни рўй-рост очиб ташлади, ишларни такомиллаштириш, уни давр талаблари асосида мувофиқлаштириш учун аниқ амалий-услубий кўрсатмалар, тавсиялар берди.

Кенг мушоҳада асосида ўтган мазкур семинар-кенгаш кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

**Алижон ТУРСУНМАТОВ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети механика-математика факультети жамоаси дифференциал тенгламалар кафедраси профессори Олимжон Холмуҳаммедовга онаси

**Кутпи ая ХОЛМУҲАМЕДОВА**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мавлуда Солиҳовага умр йўлдоши

**Тўлқин СОЛИХОВ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси шу билим юртининг меҳнат ўқитувчиси Мадина Ғофуровага онаси

**Маъсудахон ая ҚОСИМОВА**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Насриддин БОТИРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-197. Тиражи 50.041.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.30.